

GOVERNMENT SUPPORT OF ENTREPRENEURS IS AN IMPORTANT FACTOR TO ENSURE ECONOMIC SECURITY

Abulkosimov Hasan Pirnazarovich,
Doctor of Economics, Professor, Named after Mirzo Ulugbek
National University of Uzbekistan.

ABSTRACT

The article identifies the content of economic security of entrepreneurial activity, internal and external threats. The role of government support in ensuring economic security of entrepreneurs has been studied.

Key words: entrepreneurship, economic security, threats, government support.

Абулкасимов Х.П. Государственная поддержка предпринимательства важный фактор обеспечения его экономической безопасности.

В статье раскрыта сущность экономической безопасности предпринимательской деятельности, определены внутренние и внешние угрозы, изучены роль государственной поддержки предпринимательства в обеспечение их экономической безопасности.

Ключевые слова: предпринимательство, экономическая безопасность, угрозы, государственная поддержка.

Abulkasimov H.P. State support for entrepreneurship is an important factor of ensuring economic security.

Рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти турли риск ва хавф-хатарлар таъсирида таваккалчилик асосида амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолиятида муваффақиятга эришиши учун турли таҳдидлардан ва хавф-хатарлардан ҳимояланиш лозим бўлади. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий хавфсизлиги – тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий ва инженер техник тавсифдаги чора-тадбирлар тизими туфайли вужудга келтирилган ҳаётий муҳим иқтисодий манфаатларининг ички ва ташқи хавф-хатарлардан ҳимояланганлик ҳолатидир [2,94 б.].

Тадбиркорлик иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар – бу жисмоний ёки юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳимояланиш ҳолатини бузувчи, унинг фаолиятини тўхтатиб қўйишга ёки иқтисодий ва бошқа йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган потенциал ёки реал хатти-ҳаракатидир. Таҳдидлар келиб чиқиш манбаига

кўра ташқи ва ички таҳдидлар шаклида юзага келади. Ички таҳдидлар ўз ичига тадбиркорлик субъектининг рақобатдаги ўрни, менежмент ва маркетинг сиёсати, ресурслар ва улардан фойдаланиш, раҳбар ва ходимларнинг фирибгарлик хатти-харакатлари билан боғлиқ таҳдидларни ўз ичига олади. Ташқи таҳдидлар ўз ичига халқаро ва миллий таҳдидларни олади. Халқаро таҳдидлар эса умумиктисодий, халқаро савдо беқарорлиги, халқаро рақобат кураши билан боғлиқ таҳдидларда намоён бўлади. Умумиктисодий тавсифдаги таҳдидларга иқтисодий цикл, жаҳон, шу жумладан миллий иқтисодиётдаги молиявий ва иқтисодий инқирози, рецессиялар киради [2, 98-101 б.].

Жаҳонда ва Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз тадбиркорлик фаолияти учун ташқи таҳдид ҳисобланади. Бу даврда қўлланилган карантин чоралари туфайли тадбиркорлик фаолияти сусайди. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалари сони 7443 тага камайди. Кичик тадбиркорликнинг улуши ЯИМда -0,2%га, саноатда -7,5%га, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида -0,3%га, қурилишда -5,4%га, савдода -3,1%га, экспортда -4,8%га, импортда -12,1%га камайди [4, 219 б.].

Ўзбекистонда коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида 2020 йил 19 мартда “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон, 2020 йил 4 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон, 2020 йил 27 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5986-сон, 2020 йил 18 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5996-сон, 2020 йил 27 июлдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6029-сон фармонлари қабул қилинди. Пандемиянинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирларини юмшатиш юзасидан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланишича, коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва

тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат корхоналарига ва 500 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти ҳамда қарийб 8 миллион фуқарога жами 66 триллион сўмлик солиқ имтиёзлари, кредит муддатларини узайтириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ёрдамлар берилди. Тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди [1].

Ўз фаолиятини тўхтатган ва товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорларга (2020 йил 31 декабрга қадар) айланма солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (кейинчалик 12 ой давомида) ва ижтимоий солиқларни (кейинчалик 6 ой давомида) фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи тақдим этилди. Ушбу имтиёзлар эса қарийб 4 000 та корхона учун жами 230 млрд.сўм миқдоридаги маблағларни иқтисод қилинишига ва мазкур маблағлар айланма маблағ сифатида ишлатилишига имкон яратди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев тадбиркорларнинг мулкка доир ҳуқуқларини бузган мансабдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича Бизнес-омбудсманга ваколат бериш, 20 мингта тадбиркорнинг 400 миллиард сўмлик ер ва мол-мулк солиғини тўлаш муддатини ҳамда тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга эълон қилинган мораторийни яна бир йилга узайтиришни тақлиф этди. Шунингдек, юртбошимиз тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилиш, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар соддалаштириш, пандемия шароитида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларга оёққа туриб олишлари учун кўмак беришни давом эттириш, туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларига берилган имтиёзларни 2021 йил якунигача узайтириш ҳамда 1 миллиард сўмгача давлат харидлари доирасида аванс миқдори 30 фоизга етказиш, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратиш, қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтириш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилиши ҳамда Тадбиркорлик кодексининг ишлаб чиқиш вазифаларини белгилади [1].

Эндиликда, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятларини босқичма-босқич қайта тиклаш ҳамда коронавирус пандемиясига қарши кураш чораларини қўллаган ҳолда хавфсиз фаолиятларини юритишлари учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- хусусий мулк, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлидаги ғов ва тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган чора-тадбирлар қаторида, авваламбор, хусусий тадбиркорлар учун хом ашё ресурсларидан фойдаланиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш, ресурсларни очиқ биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кенгайтириш;
- тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш, нопок тадбиркорларга нисбатан муросасиз бўлиш;
- эркин рақобат муҳитини ва барча тадбиркорлик субъектларига тенг имкониятлар яратиш мақсадида имтиёз ва преференцияларни маъбуллаштириш, уларни айрим корхоналарга эмас, балки алоҳида ишлаб чиқариш ва хизмат турларини рағбатлантириш мақсадида бериш;
- тадбиркорлик субъекти иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи фирибгарликнинг олдини олиш учун корхонадаги ички назоратнинг ишончли тизимини шакллантириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.
2. Абулқосимов Х.П. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик тадбиркорлик фаолияти иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.- Т.: Илмий-Техника Ахбороти-Press, 2017. –208 б.
3. Туляков Э. COVID-19: ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРАЛАР”//<https://strategy.uz/index.php?news=1013>
4. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2020 йил январь-июнь.-Т.: Ўздавстат қўмита, 2020.-418 б.